



ARCHIVAL SOURCES ON THE HISTORY OF THE CHEMICAL INDUSTRY IN UZBEKISTAN

Shakhnoza Kholikulova

Associate Professor

Navoi State University

kholikulova_sh@mail.ru

Navoi, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: chemical industry, archival collections, R-837, R-2600, industrial history, Uzbekistan, chemical enterprises, industrialization, SAGU, environmental policy.

Received: 02.12.25

Accepted: 03.12.25

Published: 03.12.25

Abstract: The article analyzes the main sources on the history of the chemical industry in Uzbekistan based on archival documents. Using materials from collections R-837, R-2600, R-2742, R-90, R-9, and R-368 which include government decrees, reports, industrial plans, and education-related documents the development of the republic's chemical industry as well as its organizational and technological stages is presented. The article also briefly describes the ancient roots of chemical knowledge in Central Asia and the emergence of industrial centers in the twentieth century. The study emphasizes that the history of the chemical industry in Uzbekistan is not only an industrial or economic process, but is also closely connected with the formation of national science, scientific schools, and a system of personnel training. Archival documents make it possible to comprehensively illuminate the organizational, technological, modernization, and environmental aspects of the sector's development.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИМЁ САНОАТИ ТАРИХИНИНГ АРХИВ МАНБАВИЙ АСОСЛАРИ

Шахноза Холикулова

Навоий давлат университети доценти

kholikulova_sh@mail.ru

Навоий, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Кимё саноати, архив фондлари, Р-837, Р-2600, саноат тарихи, Ўзбекистон, химия корхоналари, саноатлашув, САГУ, экологик сиёсат.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда кимё саноати тарихининг асосий манбалари архив ҳужжатлари асосида таҳлил қилинган. Р-837, Р-2600, Р-2742, Р-90, Р-9 ва Р-368 фондларида сақланган ҳукумат қарорлари, ҳисоботлар, саноат режалари ва таълимга оид материаллар орқали республикада кимё саноати ривожланиши, унинг ташкилотчилик ва технологик босқичлари ёритилган. Шунингдек, Ўрта Осиёда химия билимларининг қадимий илдиэлари ва XX асрдаги саноат марказларининг шаклланиши қисқача баён этилган.

Мақола Ўзбекистонда кимё саноати тарихи фақат саноат ёки иқтисодий жараён эмас, балки миллий фан, илмий мактаблар ва кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқ эканлигини асослайди. Архив ҳужжатлари мазкур соҳанинг ташкилотчилик, технология, модернизация ва экологик сиёсат билан боғлиқ жиҳатларини комплекс тарзда ёритиш имконини беради..

**АРХИВНЫЕ ИСТОЧНИКИ ПО ИСТОРИИ ХИМИЧЕСКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА**

Шахноза Холикулова

Доцент

Навоийский государственный университет

kholikulova_sh@mail.ru

Навоий, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: химическая промышленность, архивные фонды, Р-837, Р-2600, история промышленности, Узбекистан, химические предприятия, индустриализация, САГУ, экологическая политика.

Аннотация: В статье на основе архивных документов проанализированы основные источники по истории химической промышленности Узбекистана. На материалах фондов Р-837, Р-2600, Р-2742, Р-90, Р-9 и Р-368, содержащих постановления правительства, отчёты, отраслевые планы и материалы по системе образования, раскрыто развитие химической промышленности республики, а также её организационные и технологические этапы. Кроме того, кратко изложены древние корни химических знаний в Средней Азии и формирование

промышленных центров в XX веке.

Статья обосновывает, что история химической промышленности Узбекистана представляет собой не только индустриальный или экономический процесс, но и неразрывно связана с формированием национальной науки, научных школ и системы подготовки кадров. Архивные документы позволяют комплексно осветить организационные, технологические, модернизационные и экологические аспекты развития данной отрасли.

Кириш. Кимё саноати тарихи мавзуси назарий жиҳатдан фан, саноат ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқликни очиб берувчи илмий йўналишдир. Бу соҳадаги тадқиқотлар инсон тафаккури эволюцияси, технология тараққиёти ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнларини бир бутун тизим сифатида кўриш имконини беради. Назарий жиҳатдан, Ўзбекистонда кимё саноати тарихи бу фақат иқтисодий ривож жараёни эмас, балки миллий фаннинг шаклланиши, илмий мактабларнинг вужудга келиши ва жамиятдаги техноген маданиятнинг етишиши жараёнидир.

Тадқиқот методологияси. Биринчи навбатда, манбашунослик метод қўлланилиб, Миллий архивнинг Р-837, Р-2600, Р-2742, Р-90, Р-9 ва Р-368 каби муҳим фондларида сақланаётган ҳукумат қарорлари, ҳисоботлар, баённомалар ва идоралараро ёзишмалар тизимли ўрганилган. Тадқиқот жараёнида саноат ривожининг босқичма-босқич шаклланишини очиб беришда тарихий-хронологик метод муҳим ўрин эгаллаб, қадимий даврлардан бошлаб XX аср саноат марказларининг барпо этилишигача бўлган жараёнлар даврий тарзда ёритилган.

Олинган архив маълумотларини бир тизимга солиш, умумий хулосаларни шакллантириш ва соҳанинг ривож босқичларини илмий жиҳатдан асослаш жараёнида илмий-тарихий умумлаштириш усули ўз ифодасини топган. Шу тариқа, мақола кимё саноати тарихи бўйича архив манбаларига таяланган, кўп қиррали ва илмий асосланган таҳлилий тадқиқот сифатида шаклланган.

Натижалар ва муҳокама. Тадиқотимизга қуйидаги Ўзбекистон Миллий архиви фондлари асосий манба сифатида хизмат қилди. Фонд Р-837– бу Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган энг муҳим давлат бошқаруви ҳужжатларидан иборат тўпламлардан бири бўлиб, у Совет халқ комиссарлиги УзССР, кейинчалик Совет Министрлари УзССР фаолияти билан боғлиқдир. Ушбу фондда 1941–1964 йилларга оид, давлат бошқарувига тегишли кенг қамровли ҳужжатлар сақланган. 1946 йил 15 мартда СССР Олий Совети

Президиуми қарори билан Совет народных комиссариатлари Совет Министрлари деб қайта номлангандан сўнг ҳам мазкур фонд изчил равишда ҳукумат ҳужжатларини ўз ичига олиб борган. Фондда сақланаётган ҳужжатлар республикадаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни чуқур ёритиб беради. Улар орасида ҳукумат қарорлари ва фармойишлар (постановления, решения), йиғилиш баённомалари, протоколлар, докладлар, ҳисоботлар, маълумот хатлари, ҳамда республика вазирликлари ва қўмиталари ўртасидаги ёзишмалар мавжуд. Шунингдек, иқтисодий-статистик маълумотлар саноат, қишлоқ хўжалиги, молия, меҳнат ресурслари каби соҳалар бўйича йиллик ҳисоботлар ҳам катта ўрин эгаллайди.

Фонд ҳужжатларида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича маълумотлар топиш мумкин:

иқтисодиёт ва режалаштириш соҳасида саноат корхоналари, хомашё, энергия, транспорт тизими ва иқтисодий режалар;

ижтимоий соҳа бўйича таълим, соғлиқни сақлаш, моддий таъминот, аҳолига имтиёзлар;

маъмурий ва ташкилий масалалар кадрлар сиёсати, ҳукумат органлари фаолияти, маҳаллий бошқарув тузилмалари;

уруш давридаги давлат бошқаруви эвакуация, меҳнат сафи, мудофаа ишлари, фронт орқасидаги фаолият[1.1-3].

Фонд Р-2600 — бу Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган муҳим соҳавий фондлардан бири бўлиб, у 1966–1970 йиллар даврида фаолият юритган Ўзбекистон ССР Химия саноати бош бошқармаси ҳужжатларидан ташкил топган. Ушбу бошқарма Иттифоқ даражасидаги СССР Химия саноати вазирлиги (Минхимпром СССР) таркибига кирган бўлиб, Ўзбекистон ҳудудидаги барча химия саноати корхоналари, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва қурилиш объектларига раҳбарлик ва мувофиқлаштириш вазифаларини бажарган. Бошқарманинг асосий вазифаси республикадаги химия тармоғини ривожлантириш, янги корхоналар қуриш ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш, моддий-техника таъминотини таъминлаш ҳамда иттифоқ миқёсидаги соҳавий қарорларни ижро этиш бўлган. Шунингдек, бошқарма корхоналарнинг режа ва ҳисоботларини юритиш, иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш, меҳнат хавфсизлиги, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва молиявий назоратни амалга оширган.

Фонд ҳужжатларида асосан қуйидаги материаллар сақланган:

Ўзбекистон ССРдаги химия саноатига оид ҳукумат қарорлари, буйруқлар ва фармойишлар;

Йиғилиш баённомалари ва протоколлар, коллегиял қарорлар;

Докладлар, маълумот хатлари, идоралараро ёзишмалар (СССР Минхимпром, давлат план ва республика вазирликлари билан);

Йиллик ва ярим йиллик режа-ҳисоботлар, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, статистик маълумотлар;

Қурилиш ва реконструкция ишларига оид ҳужжатлар, лойиҳа-смета материаллари;

Техник меъёрлар, қоидалар ва йўриқномалар (ишлаб чиқариш стандартлари, хавфсизлик талаблари, хомашё меъёрлари ва бошқалар).

Фонддаги ҳужжатлар республика химия саноати тизимининг турли соҳаларини қамраб олади. Улар орасида: Чирчиқ химия-электрохимия комбинати, Фарғона ва Қўқон азот-ўғит заводлари, Алмалиқ ва Навоийдаги металлургия-кимё мажмуалари, Полимер, каучук, лак-бўёқ ва майиш кимё корхоналари ҳақидаги маълумотлар бор[2. 1-3].

Р-2742 фонд — бу Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган муҳим жамоат ташкилотига оид ҳужжатлар тўпламидир. Унда 1962–1993 йиллар даврида фаолият юритган Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш жамияти (Республиканское общество охраны природы Узбекистана) фаолиятига оид материаллар жамланган. Жамият Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, унинг асосий вазифаси республикадаги табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида экологик билимларни кенг ёйиш ва жамоатчиликни табиатни асраш ишларига жалб этишдан иборат бўлган.

Фонд ҳужжатлари Ўзбекистондаги табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатининг шаклланиши ва ривожланиши, шунингдек, жамиятнинг давлат идоралари, вазирликлар, илмий муассасалар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги ҳақидаги маълумотларни қамраб олади. Ушбу фонд ҳужжатлари орқали республикада 1960–1990-йиллар давомида амалга оширилган экология ва табиат муҳофазасига оид ишлар ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Фонд таркибида қуйидаги турдаги ҳужжатлар мавжуд:

жамият йиғилишлари, пленум ва конференциялар баённомалари, қарорлар ва фармойишлар;

идоралараро ёзишмалар, хабарномалар ва жамият фаолиятига оид маълумот хатлари; республика ва маҳаллий бўлимлар фаолияти бўйича ҳисоботлар;

табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, атроф муҳит ҳолатини таҳлил қилиш ва экологик мониторинг натижалари;

жамият томонидан ўтказилган тадбирлар, маърузалар, экологик акциялар ва маърифий материаллар;

турли лойихалар, таклифлар, тавсиялар ва илмий-тадқиқот ишларига оид маълумотлар.

Фонддаги ҳужжатлар нафақат ташкилотнинг ички фаолиятини, балки ўша даврдаги экологик сиёсат, табиий ресурсларни бошқариш тизими, атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ва давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ҳам ёритади[3.1-3].

Р-90 фонд бу Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган давлат бошқаруви ҳужжатларидан иборат йирик тўплам бўлиб, у 1970–1991 йиллар даврида фаолият юритган Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Министерство сельского хозяйства Узбекской ССР) фаолиятига тегишли материалларни ўз ичига олади. Ушбу вазирлик республикада қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш, хўжаликларнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чорвачилик ва уруғчилик тизимини такомиллаштириш, техника таъминоти ва маҳсулотни қайта ишлашни назорат қилиш каби вазифаларни бажарган. Фондда сақланаётган ҳужжатлар мамлакатда қишлоқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича амалга оширилган ишлар, қабул қилинган қарорлар ва иқтисодий натижалар ҳақида батафсил маълумот беради[4].

Фонд Р-9 бу Ўзбекистон Миллий архивида сақланган, 1934 йили ташкил этилган Управление уполномоченного Совета Труда и Обороне СССР в Средней Азии (УполСТО в Средней Азии) ҳужжатларини йиғиб сақловчи фонддир. Ушбу идора Совет Труда и Обороне (СТО) агентлиги сирасидаги тўрт минтақанинг меҳнат, иқтисодий ва ҳимоя чораларини мувофиқлаштириш вазифасини бажарган орган бўлган.

Уполномоченный СТО СССР в Средней Азии бу марказий ҳукумат органларининг меҳнат, иқтисодий бошқарув, ресурс тақсимооти ва ҳарбий-иқтисодий назоратни минтақа даражасида амалга ошириш учун тайинланган ва вилоятлараро мувофиқлаштирувчи бўлимдир. У Тошкентда жойлашиб, минтақа республикалари–Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон ҳудудларида СТО сиёсатининг дастлабки таркибий назоратини амалга оширган[5. 1-2].

Р-368 фонд бу Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган илмий ва таълим соҳасига оид муҳим ҳужжатлар тўплами бўлиб, у 1920–1931 йилларда Тошкент шаҳрида фаолият юритган Среднеазиатский государственный университет (САГУ) фаолиятига тегишлидир. Университет ўша даврда СССР халқ маорифи халқ комиссариати (Наркомпрос СССР) тизимига кирган ва Марказий Осиёдаги илк йирик олий таълим муассасаси ҳисобланган. Среднеазиатский давлат университети 1920 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг асосий

мақсади Марказий Осиёда миллий кадрлар тайёрлаш, илм-фан ва таълим соҳасини ривожлантириш эди. Университетнинг ташкил этилиши Туркистон халқ комиссариати ва Наркомпрос томонидан қабул қилинган қарорлар асосида амалга оширилган. Кейинчалик у Ўрта Осиё давлат университети номи билан танилган ва ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг илк тарихий асосини ташкил этади. Фондда 1920–1931 йиллар оралиғидаги таълим тизими, илмий тадқиқот ишлари, бошқарув фаолияти ва кадрлар сиёсатига оид ҳужжатлар жамланган. Улар орасида университетни ташкил этиш тўғрисидаги қарорлар, буйруқлар ва фармойишлар, профессор-ўқитувчилар ҳайъати ва талабалар контингенти ҳақидаги маълумотлар, факультет ва кафедралар фаолиятига оид ҳисоботлар, илмий конференциялар ва кенгашлар баённомалари, молиявий сметалар, таълим дастурлари, ҳамкор олий ўқув юртлари билан ёзишмалар ҳамда илмий тадқиқот ишларига оид маълумотлар мавжуд[6. 1-2].

Шунингдек, Р1752-фонд, Ўзбекистон ССР Маҳаллий ва ёқилғи саноати вазирлиги (Тошкент, 1953–1957 йиллар); Р2653-фонд, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошкент, 1958–1988 йиллар); Р2330-фонд, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги “Узглавместпром” Маҳаллий саноат бош бошқармаси (Тошкент, 1960–1962 йиллар); Р1-фонд, СССР Меҳнат ва мудофаа кенгашининг Ўрта Осиёдаги ваколатли бошқармаси (УполСТО, Тошкент, 1924–1925 йиллар); Р2389-фонд Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлиги (Тошкент, 1956–1988 йиллар) каби фондларда ҳам соҳага оид айрим ҳужжатлар билан танишдик.

Навоий вилояти давлат архивидан, М-172 фонд Навоийазот ишлаб чиқариш корхонасига тегишли ҳужжатларнинг илмий-техникавий ишлови биринчи марта 1985 йили амалга оширилган; доимий сақлашга мўлжалланган ишлар рўйхати № 1 бўйича 1961–1973 йилларга оид 410 та сақлаш бирлиги қабул қилинди. Фондга 213-рақам берилди. 1991 йилда ҳужжатларга амалга оширилган навбатдаги илмий-техникавий ишлов якунига кўра, доимий сақлашга мўлжалланган ишлар рўйхати № 1 бўйича 1974–1985 йилларга оид яна 485 та сақлаш бирлиги қабул қилинди. 2007 йилда амалга оширилган илмий-техникавий ишлов натижаларига кўра, доимий сақлашга мўлжалланган ишлар рўйхати № 2 бўйича 1986–2000 йилларга оид 214 та сақлаш бирлиги қабул қилинди. 2009 йилда амалга оширилган илмий-техникавий ишлов натижаларига кўра, доимий сақлашга мўлжалланган ишлар рўйхати № 2 бўйича 1973–2004 йилларга оид 184 та сақлаш бирлиги қабул қилинди. 2011 йили Навоий шаҳар филиали қайта ташкил этилгани муносабати билан, 213-фонд ва бошқа бир қатор фондлар Навоий вилояти давлат архивига топширилди. Фондга янги инвентар рақам 172-фонд берилди [7.1].

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиё халқлари илк даврлардан кимёга оид билимларни амалиётда қўллаб келган. Мис ва темир ишлаб чиқариш, бўёқ тайёрлаш, шиша ишлаб чиқариш, дори-дармон яшаш каби соҳалар илмий тафаккурнинг илк босқичини ифода этган. Алхимия даврида Жобир ибн Ҳайён, Форобий, Разий, Ибн Сино ва Беруний каби алломалар кимё фанининг фалсафий ва амалий йўналишларини яратганлар. Улар илмий тажриба усулини илк бор жорий этиб, моддалар табиати ҳақидаги илмий қарашларни шакллантирдилар. Бу мактаблар кейинчалик замонавий химиянинг назарий пойдевориغا айланди.

XIX аср охирида Туркистонда илк кимё лабораториясининг ташкил этилиши (1869) мамлакатда илмий амалиётнинг бошланиши сифатида тарихий аҳамиятга эга бўлди. Тошкентда ташкил этилган бу лаборатория тоғ-кон, сув, доривор ўсимликлар ва қурилиш материалларини кимёвий таҳлил қилиш орқали саноат салоҳиятини очишда муҳим роль ўйнади. Аммо подшо Россиянинг мустамлакачилик сиёсати саноатнинг эркин ривожланишини чеклаб қўйди.

1920 йилда Туркистон давлат университетининг ташкил этилиши билан кимё фанининг академик асослари яратилди. Университет қошидаги лабораториялар ва Кимё институти илмий изланишларни амалга ошириб, саноат эҳтиёжларига хизмат қилди. 1930–1980 йиллар давомида Ўзбекистондаги йирик кимё марказлари Чирчиқ, Фарғона, Навоий, Алмалиқ ва Қўқон шаҳарларидаги комбинатлар республика саноатлашувининг таянч нуқталарига айланди.

Тадқиқот жараёнида катор архив фондлари жумладан Р-837, Р-2600, Р-2742, Р-90, Р-368 каби тўпламлар асосий манба сифатида хизмат қилган. Улар давлат бошқаруви, саноат сиёсати, табиат муҳофазаси, таълим ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига оид бой маълумотларни ўз ичига олади. Бу ҳужжатлар кимё саноати ривожининг барча босқичларини ташкилотчиликдан тортиб технологик модернизациягача бўлган жараёнларни ёритади.

Ўзбекистонда кимё саноати тарихи нафақат иқтисодий ривожланишни, балки миллий фаннинг шаклланишини ҳам ифода этади. Ушбу соҳадаги тадқиқотлар мамлакатда фан, технология ва саноатнинг бир-бирига таъсирини очиқ беради. Бу жараён миллий илмий мактабларнинг вужудга келишига, кадрлар тайёрлаш тизимининг такомиллашувига ва илмий мероснинг яратилишига замин яратган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ЎзМА. 837 фонд- Совет народных комиссаров Узбекской Советской социалистической республики г. Ташкент. Фонд маълумотномаси.

2. ЎзМА. Р2600 фонд- Управление химической промышленности Узбекской ССР Министерства химической промышленности СССР г.Ташкент (1966-1970). Фонд хақида маълумотнома.
3. ЎзМА. Р2742-фонд, Республиканское общество охраны природы Узбекистана г.Ташкент 1962-1993. Фонд хақида маълумотнома.
4. ЎзМА. Р90-фонд, - Министерство сельского хозяйства Узбекской ССР 1970-1991. Фонд хақида маълумотнома.
5. ЎзМА Р9-фонд,- "Управление уполномоченного Совета Труда и Оборона СССР в Средней Азии" (УполСТО в Средней Азии) г.Ташкент (1934 й). Фонд хақида маълумот.
6. ЎзМА. Р368-фонд,- Среднеазиатский государственный университет при Наркомпросе СССР г.Ташкент 1920-1931. Фонд хақида маълумот
7. Навоий вилояти ДА. М.172-фонд, Навоийазот ишлаб чиқариш корхонаси. Фонд хақида маълумот.